

Вилоят ФВБ ва қуйи тизими ходимлари томонидан аҳоли хонадонларида ҳамда корхона-ташкilotларда ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда. “Чоршанба - фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси куни” да Чортоқ тумани ФВБ шахсий таркиби ва ФВДҚТ ходимлари томонидан Дўстлик МФЙ ҳудудидида шундай тадбир ўтказилди.

Якка тартибдаги 600та, кўп қаватли уйлардаги 130та хонадон текширилганда 10тасида ёнғинга хавфли, 3тасида чақнашга хавфли ҳолат аниқланди. Тадбир иштирокчилари томонидан ана шу камчиликлар ўз ўрнида бартараф этилди. Маҳалла ҳудудидида яшовчи 700 нафарга яқин аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, ёнғинга қарши ку-

рашиш жамияти томонидан хонадонлардаги иситиш печлари мўриларини тозалатишга эришилди.

Ҳудуддаги 44-мактабда давом этган тадбирда ўқитувчи ва ўқувчиларга ёнғиннинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, ис газидан, овқатдан заҳарланишларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари ўтказилди. Масканда мавжуд дастлабки ёнғин ўчириш куролларидан фойдаланиш бўйича қўшимча йўриқномалар берилди. Шунингдек, қурилиши тугалланмаган 50-мактабда қурувчилар ва ходимлар билан тарғибот ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида корхона-ташкilot ва аҳоли хонадонларида ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш ёки бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда жабрланувчи-



ларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари ўргатилди. Ҳолат юзасидан зудлик билан вилоят ФВБнинг тезкор

“1050” ва “101” қисқа рақамларига мурожаат қилиш тўғрисида тушунчалар бе-

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
вилоят ФВБ ОАВ ва ЖТБҲҚГ
етақчи мутахассиси.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ КУНИ

2-сонли умумий ўрта таълим мактабидида 24 сентябрь куни “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанининг ўқитилиши ва “Фуқаро муҳофазаси куни” тадбирлари ўтказилди.

Тадбир вилоят ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказининг йиллик ўқув режасига асосан, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари тоифасидаги 65 нафар тингловчини жалб этган ҳолда ташкил этилди.

Биринчи босқичда ўқувчиларнинг кутқарувчилик касбига бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида, ҳарбий ватанпарварлик тадбири ҳамда бир гуруҳ ўқувчилар томонидан юртимизда юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисида расмлар танлови ўтказилди.

Иккинчи босқичда Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилиши бўйича ўқув қўлланмалар тарғиботи ҳамда улардан фойдаланилган ҳолда барча синф ўқувчиларида дарс машғулоти ташкил этилди. Тингловчиларнинг барчаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанини ўқитиш бўйича интерфаол усулларда ташкил қилинган дарс машғулотида тўлиқ иштирок этдилар.

Сўнги босқичда муассаса ҳудудидида содир бўлган фавқулодда вазият ҳақида товушли хабар ор-

қали барча оғоҳ этилиб, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари эвакуация қилинди. Шунингдек, мактаб директори - фуқаро муҳофазаси бошлигининг буйруғига асосан ўқувчилардан шакллантирилган фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракати намойиш этилди.

Тадбир сўнгида амалга оширилган ишлар бўйича ютуқлар ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, мактаб маъмуриятига Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлигининг Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари берилди. Шунингдек, 65 нафар тингловчига тантанали равишда гувоҳномалар топширилди.

Феруз ЙЎЛДОШЕВ,
вилоят ФВБ ҲФХЎМ бошлиги,
катта лейтенант,
Алибек БАННАЕВ,
марказ ўқитувчиси.



Куз охирлаб, қиш яқинлашиши билан ҳаво совуб, иситиш мосламаларига эҳтиёжimiz ортади. Бу ўз-ўзидан ёнғин чиқиш хавфи ҳам кўпаяди, деганидир. Туман ФВБ ходимлари ҳам ёнғинларнинг олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилашда муқаддам юз берган ҳодисалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратиб, иш ташкил этишмоқда.

Масалан, ўтган йил куз-қиш мавсуми мисолидан ҳам кўриниб турганидек, содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми айнан иситиш билан боғлиқ баблар туфайли келиб чиққан. Шунинг учун туманимиздаги барча йирик корхона, ташкilot, муассасаларда қишқи мавсумга тайёргарлик ишларини текшириш ташкиллаштири-

либ, биринчи навбатда қозонхона мавжуд бўлган масканлар, мактабгача тарбия муассасаларида ишчи-хизматчилар билан, маҳаллаларда фуқаролар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Уларда аввал содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ мисоллар асосида тушунтирилиб, фуқароларни шундай ҳолатларга йўл

ёнғинларнинг аксарияти аҳоли хонадонларида юз бераётганини ҳисобга олиб, корхона-ташкilotларда ишчи-хизматчилар билан, маҳаллаларда фуқаролар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Уларда аввал содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ мисоллар асосида тушунтирилиб, фуқароларни шундай ҳолатларга йўл

қўймаслик ҳақида оғоҳлантирилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бепарволик мудҳиш оқибатларга, моддий зарарларга олиб келишини унутмайлик. Уйимизда, иш жойимизда қоидаларга риоя қилиб, электр ва газ жиҳозларига эътиборли бўлайлик. Зеро, кейинги пушаймондан наф бўлмайди.

Баҳодир РАҲИМОВ,
Тўрақўрғон тумани ФВБ
инспектори.

ЖИНОЯТ - ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

"ШЕР"ЛИК ОҚИБАТИ ЁКИ КАНАЛ БЎЙИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Бир инсоннинг ҳайрли яшамоғи учун бир қарашда ҳаёт жуда қисқа. Болалиқдан таълим-тарбияни мукамал олган шахсларгина ундан фойдаланиб қоладилар. Аксинча эса...

Ботирга яхши ниятлар билан шундай исм қўйилгандир. Аммо унинг улғайиши йўлидаги кураш балки оқсоқ бўлганмики, умри заволда ўтди. Муқаддам уч маротаба судланиб, узоқ муддатга қамоқ жазосигача етиб борди. Беш йил муддатни ўтагач оиласига қайтиб, фарзандлари бағрида, яхшилик йўлида ўзгариб, ҳаётини изга солиши учун имкон берилди. Бироқ, у эски хунарини бошлашдан ҳайиқмади. Ишончли суистеъмол қилди. Наркотик модда сотар, ўзи ҳам истеъмол қиларди. Алалоқибат эса, умрининг қайтиш йўлида, қарийб эллик ёшида яна суднинг қора курсисига ўтирди. У бу гал қотилликка қўл урди...

Буни ўзи ҳам истамагандир аслида, аммо ёмон қадам ҳеч қачон яхшиликка олиб бормади.

Ўша куни ҳаммаҳалласи Лутфуллонинг машинасида бир жойга бориб келишни илтимос қилди, чекка бир шашликхонада спиртли ичимлик ичди. Кейин ёнида бўлган нашани олиб Лутфуллога ҳам таклиф қилди. “Мен умримда чекмаганман биласан-ку”, деган рад жавобидан сўнг ташқарига чиқиб чекиб келди. Вақт алламаҳал бўлганда қайтишаркан, йўл-йўлакай машинага икки киши ўтирди. Улардан бири Ботирга таниш - Исмаат Норматов, иккинчиси нотаниш эди. Исмаат уйда тушиб қолгач Ботир “Бу йигитни танимадим”, дея орқа ўриндиқда ўтирган Акмал Холматовга юзланди.

- Мен “Шер”нинг ўғлиман, сен героин бериб ўлдириб юборган!

Йигит ғирт маст бўлган Ботирнинг қилиқларидан тўлиб келаётгани ёки чиндан алами борми захархандалик билан жавоб қайтарди. Бироқ айна пайтда ўзини “шер” билиб келаётган Ботир бу жавобдан гўё ёвузга айланди. Ўзини тутиб туролмади. Йигитнинг юзига тарсаки тортдию “Машинани тўхтат!”, дея қичқирди.

- Пастда гаплашиб оламиз, қани туш!

Улар машинадан тушиб, катта канал бўйлаб, йигир-

ма метрлар чамаси нари кетишди. Дақиқа ўтди ми йўқми инграган овоз эшитилди. Лутфулло сақраб машинадан тушганда Ботир қўлида қон томиб турган пичоқ билан вазоҳатда келарди.

- Чиқ машинага, ҳозир сениям сўйиб ташлайман! Лутфулло бу манзиратдан қўриқиб кетди ва машинани ҳам ташлаб чопа кетди. У маҳалла бошланган жойга етиб бориб, бир-икки дарвозаларни тақиллатиб, телефон топиб керакли жойларга хабар қилгунига қадар афсуски, Акмал жон таслим қилиб бўлди.

Беш нафар фарзанди, оиласига яна заҳар ютқизган Ботир бу гал ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилди. Бир йигит эса ҳаётда орзулари ушалганми йўқми бевақт жувонмарг бўлди. Барчаси қалтис босилган қадам ортидан.

Ҳа, халқимиз орасидаги “Ёмондан йироқ бўл, балоси юқар”, - деган ҳикмат бежиз эмас.

Гарчи исм-шарифлар шартли эса-да, мазкур воқеа сизу биз яшаётган замонда атрофимизда содир бўлди афсуски. У албатта, ҳеч бир кўнглига нохушлик солмай қўймайди. Бу эса ибрат учун хизмат қилишини истардик.

Беҳзод ҚАҲҲОРОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

БЕПАРВОЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН!

